



Хамроев кечки овкатдан кейин бирпас чўзилмокчи бўлган эди, тўғри келмади: нариги уй тўполон — болалар бир-би-рини ёстикбилан уриб ўйнаётибди; соат саккиз яримда мажлисга бориш ҳам керак. Кеча Хамдам ота-оналар мажлиси бўлиши тўғрисида мактабидан коғоз олиб келган.

Хамроев ҳеч қачон мажлисга борган эмас, аммо фурсати бўлганда бир тайёрланиб бормокчи ва бола тарбиялашни бил-маган ёки бу ишга совук караган ўқитувчиларни уялтирмокчи эди. Бу ният унинг хотини Собирахонга жуда маъқул бўлди.

— Гапиринг, изза килинг! Болалар мактабда ўқиб кайта бевош бўлиб кетяпти. Сиз уйда йўқ вақтларда Хамдамингизнинг дастидан менга кун йўқ. Илгарилар уриб енгар эдим, энди урай десам, кочиб томга чикиб кетади, томда туриб менга тилини кўрсатади.

Хамроев кўйин дафтарига нималарнидир ёзди.

— Хўш, тагин нималар килади?

— Тагин... урсам «барибир огримайди» деб хир-хир кулади... Ха, айтганча, бир йилдан бери бирон марта «ая» дега-нини эшитганим йўқ, хамиша «Турондот» дейди.

Хамроев кулиб юборди. Бу лакабни Собирахонга ўтган йили байрамда бировникига меҳмон бўлиб боришганида ўзи кўйган ва шу билан хаммани кулдирган эди.

— «Турондот» дейдими-а? Лекин буни мажлисда гапириб бўлмайди, чунки... лекин бир томондан гапирилса ҳам бўлади, бола деган катталарнинг гапини гапирмаслиги керак.

— Албатта! Мактабда шунака нарсаларни ўргатмаса нимани ўргатади? Курук илм билан бола бола бўлар эканми?

Хамроев Собирахоннинг шикоятларини, газеталарда ўқиган, одамлардан эшитган тарбияга доир гапларни ёзиб кўйин дафтارينини тўлдирди, кейин буларнинг хаммасидан хулоса чикарди:

— Мен бирон коғозга ўқимасдан кўл кўйсам, сен бирон кўйлакнинг ёқасини кийшик кадаб кўйсанг, ишга совукконлик билан караганимиз учун жавобгар бўламиз, нима учун бола тарбиясига совукконлик билан караган ўқитувчига конун йўқ, кани, чакир бу ёкка Хамдамни!

Нариги уйдан, увадаси чикиб кетган ёстикни кўтариб, Хамдам чикди.

— Ўтир, бу ёкка! Хўш, сен нима учун кўча болаларига ўхшаб ахлоксизлик киласан!

Хамдам ёстикни курсига кўйиб устига ўтирди ва онасига каради.

— Нима килдим?

— Мен сўраётиман, менга кара! Нима килганинга билмайсанми? Нима учун ойинг урганда... хайр, бу ҳам майли. Нима учун ойингни «ая» демай... йўқ, нима учун томда туриб, аянгга... умуман, томларда юрар эмишсан, ер кўтармайдими? Мактабда сенга шуни таълим берадими? Кани дафтарларинг?

Хамдам аясига каради.

— Качон мен томда юрибман?

— Йўк, томни кўй, менга дафтарларингни кўрсат! Бу йил ўқиш бошлангандан бери нечта «аъло» бахо олдинг?

— Битта хам... ёмон бахо олганим йўк. Мана...

Хамроев дафтарларини варақлай бошлади.

— Хўп, хозир кўрамиз... «яхши»... «ўрта»... «ўрта»... Кани «аъло»? Русчадан нима учун «яхши»?

— Аъло ўкисам хам ўкитувчимиз «яхши» кўяди, «аъло»дан «яхши» яхши дейди.

— Ха-ха! Хали сиз ёлгон гапиришни хам биласизми?! Кани, берирок кел, кўзимга кара! «Яхши» яхши дейдими?

Хамдам ёлгон гапиришнинг бундай окибатини умрида биринчи кўриши эди, йиглаб юборди.

— Менга кара дейман! Ким ўргатди сенга ёлгон гапиришни? Кайси домланг?

Собираҳон аралашди:

— Кўйинг энди, минбаъд ёлгон гапирмайди. Вой, тавба, русчадан нега «яхши», балодай гапиради шекилли-ку!

Хамроев Хамдамнинг кулогидан чўзиб, ўзига каратди.

— Тагин ёлгон гапирасанми? Бундан кейин ёлгон гапирадиган бўлсанг, билиб кўй, мен ойингга ўхшаб огримайдиган килиб урмайман-а!.. Шу ёлгон гапингдан кейин русчадан «яхши» олганинга хам ишонмайман. Кани, хўш, масалан, чойнакнинг копкогини русча нима дейди? Самоварнинг жўмрагини нима дейди?

Хамдам икковини хам билмади ва йиглаганича нарига уйга кириб кетди. Хамроев кўйин дафтарини олиб нималарнидир ўчирди, яна нималарнидир ёзди.

— Йўк,— деди дафтарини чўнтагига солиб,— бу ишга жиддий караш керак. Шундай бўлгандан кейин мажлисга жиддий тайёргарлик кўриб борилмаса бўлмайди. Тарбияга доир китоб кўп.

— Соат саккиз бўлди,- деди Собираҳон.

Хамроев ўйланиб колди: борса, албатта гапириши керак, гапирмайдиган бўлса боришнинг кераги йўк. Сўзга чикканда гапни нимадан бошлайди, нима тўғрида гапиради ва кандай хулоса чиқаради.

—Йўк, бу хилда боришдан фойда йўк, Турондот,— деди,— бу сафарча сиз боринг. Мен янаги сафар жиддий тайёрлик кўриб бораман.

— Кўйсангиз-чи! Умримда бормаган жойимга канака килиб бораман. Менинг боришимдан нима фойда?

— Фойда бўлмаса зиён хам йўк-ку!

Эр-хотин фойда-зиён тўғрисида тортишиб соатни саккиз ярим килишди. Хамдам чикди.

— Нима килиб ўтирибсизлар? Директор жуда тайинлаган эди, хатни топширмагандирсан деб эртага мени уришади.

— Ойинг бормайди, боришидан фойда хам йўк, мен янаги сафар бораман.

— Мудир сўраса шунака дейманми?

— Нега? Кап-катта бўлиб шунга хам важ тополмайсан-ми? Дадам ишдан кеч келди, ойим бетоб ётибди дегин!

Хамдам дадасига караганича узоктуриб колди. У, эртага худди шундай дейди.

1940